


ҲАМКОРЛИК КЎПРИКЛАРИ МУСТАҲКАМПАНАВЕРСИН

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА РАСМІЙ ТАШРИФИ



СУРАТДА: Президентларнинг яккама-якка учрашуви. Р. Жуманиёзов (ЎЗА) олган сурат

Бугунги кунда Ҳамдўстлик-ка аъзо мамлакатларнинг нафақат МДХ доирасида, балки ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосидаги икки ёқлама муносабатлари тобора мустаҳкам бўлиб бормоқда. Бу жараён борган сари янгилашади, ижтимоий ва сиёсий алоқалар бунга яққол мисолдир.

Икки давлат ўртасидаги маъмурий дўстлик ва ҳамкорлик аъзолари чукр илдизга эга. Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг ўтган йили Украинага қилган сафари эса ушбу муносабатларни мустаҳкамлаш, уни янада кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Сафар натижаси ўларок, икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик босқисига қўлбас ҳужжатлар имзоланди. Айни пайтда эса республикамиз халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида Ўзбекистон билан Украинанинг талай қи-

ма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

20 июнь куни Украина Президентини Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи иқтисодий ҳамкорлик бора-сида шу қисқа давр ичида амалга оширилган ишларни яна бир бор сарҳисоб қилиш, унинг ижобий жиҳатларини ривожлантириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Тошкент аэропортининг муҳташам биноси пештоқида Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари ҳиллаб турибди. Украина Президентини Леонид Кучма ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов рафиқаси билан пeshовоз чиқди. Миллий либосдаги қизлар юксак мартабали меҳмонга анвойи гуллар тақдим этди.

Хар қили давлат Президентлари шохсўпга кўтарилдилар. Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат мадҳиялари янгради. Президентлар миллий гвардиячиларнинг фahрий қоролули сафи олдидан ўтдилар.

Сўнгра ҳар икки мамлакат Президентларининг расмий делегациялари аъзолари билан танишув маросими бўлиб ўтди.

Шу ерда меҳмонлар хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари билан танишдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон заминига ташрифи билан кутлаб, сафарининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Украина ва Ўзбекистон Республикалари давлат байроқлари рамизи ўрнатилган автомашиналар қаровони Олий мартабали меҳмон учун ажратилган қароргоҳга йўл олди. Тошкент кўчаларида икки дўст мамлакат байроқлари ҳиллаб турибди. Халқлар дўстлигини улуғловчи, меҳмонларни олқишловчи шiorлар кўчаларга байрамона руҳ бағишлаган. Меҳмонларни қўллаб-қувватлаш ва пойтахт меҳмонлари олқишладилар.

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасидаги мулоқотларига бирдек мос келади.

Ўзбекистон раҳбари мамлакатларини мустаҳкамлаш ҳусусида сўзлар экан, ҳамкорликнинг истиқболли соҳаларига алоҳида эътибор қаратди.

Украина Президентини ўз мамлакатини Марказий Осиё ҳудудида муҳим ўрин тутган Ўзбекистонни стратегик ҳамкор деб билишини таъкидлади.

— Ўзбекистон Президентининг ўтган йил кузида Украинага расмий ташрифи ўзаро муносабатлар ривожига янги куч бахш этди, — деди жумладан Президент Л. Кучма. — Олий даражадаги ташрифлар чоғида имзоланган ва икки мамлакат расмий делегацияларининг бугунги музокаралари ниятида қабул қилинажак ҳужжатларнинг амалга татбиқи этилиши халқларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Ўзаро музокаралардан сўнг Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Украина Президентини Леонид Кучма икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги баённомани ҳамда иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ҳақидаги шартномани имзоладилар.

Сўнгра Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва Украина Президентини Леонид Кучма маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларга ўзаро музокаралар яқин ҳусусида сўзлаб берди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Шу куни Ўзбекистон Президентини ва унинг рафиқасига «Наврўз» тантаналар уйида Олий даражадаги меҳмон ва унинг рафиқаси шарафига қабул маросими уюштирилди.

Украина Президентини Леонид Кучманинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда. (ЎЗА).

МУЗЕЙГА ТАШРИФ

20 июнь куни Украина Президентининг рафиқаси Л. Кучма хоним Ўзбекистон Республикасини Президентининг рафиқаси Т. Каримова ҳамроҳлигида Ўзбекистон амалий Санъат музейига ташриф буюрди. Бу ерда намойиш қилинган халқ ҳўнармандчилиги ўсталари ясаган буюмлар меҳмонда катта таассурот қолдирди. Л. Кучма хоним Бухоро, Самарқанд ва Тошкент чеварлари тиккан ва бутун дунёга донги кетган сузанчаларга, ўзбек халқ ўсталари асасан нозик заргарлик буюмлари ҳамда нақшларга юксак баҳо берди. Хоразмлик ўсталарнинг ёғочга уйиб ишлаган нақшлари ҳам Олий мартабали меҳмонда қизиқиш уйғотди.

«Ўзбекистон халқ санъати» намуналари билан танишиб, ўзбек ҳўнармандчилигининг қўли гул эканига амин бўлдим, — деди Л. Кучма хоним музей экспонатларини кўздан кечириб бўлган.

Шу куни Л. Кучма хоним «Зарафшон» фольклор ансамбли иштирокидаги концертни томоша қилди. (ЎЗА).

ДАВРА СУҲБАТИ

Халқимиз бой ўтмишининг қайси даврига назар солсанг, дунёга машҳур алоқалар ушбу ўтганларнинг гувоҳи бўласиз. Уларнинг уммон қадаб турганмас маънавий меросини чуқур ўрганиш — бугунги эътилоз ва толиби илмлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Ана шундан эътибор Тошкент давлат университетига тез-тез давра суҳбатлари ўтказиб турилади. Яқинда илм масканининг маданият саройида бўлиб ўтган ана шундай кечада дом-лавлардан Ҳамидулла Абқаров, Омонмулла Мадъев, Жамилхон Ойромухамедов ва бошқа ўстозлар катнашдилар.

Суҳбат давомида халқимизнинг ҳаёотга машҳур алломулари — Юсуф Хос Ҳожиб, Фозил, Абду Али ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразми ҳамда миллиятимизнинг оташин маърифатпарвар фарзандлари Бехбудий, Абдулло Авлоний, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат, Ойбек ва бошқаларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз борди. Умида ҲАСАНОВА.

«ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

□ Самарқанд, Жиззах, Наманган ва Тошкент вилоятлари фаолларининг йиғилишларида Олий Мажлис иккинчи сессиясининг яқунлари ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

□ Деҳқонбод ҳавзасидан чиқадиган тоза сув Гулистон шаҳри орқали 32 километрлик қувур билан Янгиер шаҳрига келтирилди. Келгусида бу ердан барпо этилган насос станциялари орқали Меҳнатобод, Ховос ва Бойвуг туманларига ҳам ичимлик сув узутилди. Янгиерга сув келиши муносабати билан ўтказилган митингда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков нутқ сўзлади.

□ Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси 49-Избоскан сайлов округида бўшаб қолган унинг Олий Мажлис депутатини сайлаш бўйича ўтказилган сайлов натижаларини қўриб қиқиб, шу округдан Фанлар академияси кўлбасмалар институтини директори, академик, Ўзбекистон Миллий тикланиш партиясининг раиси Азизхон Каюмовни Олий Мажлис депутати этиб рўйхатга олди.

□ Андижондан Урганч шаҳрига мунтазам равишда йўловчилар поезди қатнови йўлга қўйилди.

□ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори доктор Хироши Накадхими Бухоро тарихий ёдгорликлари, тиббиёт муассасалари фаолияти билан таниди.

□ Кеңа Валюта биржасида бўлиб ўтган навабдотда савдода 21 июндан бошлаб 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 29 сум 40 тийин қилиб белгиланди.

ҲАМДУСТЛИКДА

□ Бир ҳафта илгари Ставрополь улқасидаги Будёновск шаҳрида 1100 нафар кишини гаровга олган Шамиль Басаев бошчилигидаги жангарилар кеңа Чеченистоннинг Ведено қишлоғига етиб келдилар ва ўзлари билан гаров сифатида олиб келган 110 нафардан кўпроқ қўнғилчилар, шу жумладан депутат ва журналистларни қўйиб юбордилар. Россия федерал маъмурилари билан генерал Жоҳар Дудаев вакиллари ўртасида Грознида ўтаётган музокараларда яна уч кунга — 23 июнча Чеченистонда жанговар қаракатлар олиб боришни тўхтатиб туришга қарор қилинди. Дастлабки маълумотларга қараганда Будёновск шаҳридаги фожиявий воқеаларда 95 киши ҳалок бўлган. Бугун Ставрополь улқасида мотам куни эълон қилинди.

□ Душанбеда Тожикистон халқ бирлиги конгрессининг таъсис курултойи бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари мамлакатдаги барча сиёсий қучларни жаҳиятини танглидан олиб чиқиш учун қуч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этдилар.

□ Қозғоғистон Халқаро валюта фондининг ҳамма талабларини бажарганлиги сабабли ушбу фонд мамлакатда 300 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишга тайёрлигини билдирди.

□ Ун уч йил мобайнида шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган грузиялик 34 ёшли Майя Чибурданидзе умрининг охиригача Кавказдаги черковлардан бирида танҳо яшашга қарор қилди.

ХОРИҲДА

□ Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасида имзоланган битимга мувофиқ эндиликда АҚШ фуқаролари Ўзбекистонда, Ўзбекистон фуқаролари АҚШда махсус руҳсатномасиз эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

□ Канаданинг Галифакс шаҳрида Фарбнинг тараққий этган етти давлати раҳбари учрашувидан сўнг 26 июнь куни Италиянинг Неаполь шаҳрида камбағал мамлакатлар раҳбарларининг анжуманини ўтказишга қарор қилинди. Хар йил иқтисодиёти ноқор давлатларнинг раҳбарлари ана шундай учрашувда ўз муаммоларининг муҳокама этиш ниятидадилар.

□ Эрон яқин йилгирма йил мобайнида 10 та атом электр станцияси қуришни режаламоқда.

□ Парижда Франция Президентини билан Япония Бош вазирини ўртасида бўлиб ўтган музокараларда ядро қурол-яроғларини ер остида синаш муаммоси муҳокама этилди. Япония Бош вазирини бундай синовлар афрў-муҳитга зарар етказиши тўғрисидаги фикрга Франция Президентини Жак Ширак қўйишлари ва синовлар ўтказилишини яна тасдиқлади.

□ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Сараево шаҳридаги тинчликни сақлаш қучлари бу ердан олиб чиқиб кетила бошланди. Ҳозир Босния ва Герцеговинанинг пойтахти ҳисобланган бу шаҳар афрўида серблар ва мусулмонлар ўртасида қонли жанглар давом этмоқда.

УЧИНЧИ УЙ ПАРДОЗЛАШДА

«Ўзнефтьгазсанавотқурилиш» концернига қарашли бўлган 32 хонадонли уйнинг учинчиси, яъни «В» блокда пардозлаш ишлари тугалланмоқда.

12-трестнинг 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қисқа муддат ичида сифатли қилиб қад рoстлатган тўқиз қаватли бу уйларга ҳўжалик ҳисобидидаги пардозлаш бошқармасининг пардозчилари сўнгги ишловини беришмоқда.

— Иш вақтидан унумли фойдаланиш, қўшимча иш соатлари ташкил этиш ҳисобига бу уйи ҳам худди август ойидаги сингари 20-22 кун вагинлар қоплашга ҳарақат қилаётган, — дейди пардозчилар бошлиғи Марат Матқубов. — Уйнинг «А», «Б» блокда оилалар яшамоқда. Яна салкам бир ойдан сўнг «В» блокда ҳам оила тўйлари бошланади. Шундай қилиб 96 хонадон янги уй-жой билан таъминланади.

Гулязода МАМБЕТОВА.


МАҲАЛЛА АҲЛИГА

Бир неча йилдирки, пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Сариқул» маҳалласида кирим, омонат қассалари, алоқа бўлими очилди. Миробод ва Сирғали алоқа бўлими бошлиғидан қуруқ жавоб олинди. Ниҳоят хомий топилди. Тумандаги 14-жамгарма банки маҳалла учун омонат, кирим қассалари очди. Кам таъминланган оилаларга бериладиган ёрдам пули ҳам энди бу қассадан олинадиган бўлди.

Тошкентдаги 1-тролейбус депосига қарашли ётоқхонанинг маъмурий биноси залида очилган ушбу қасса уч бўлимдан иборат. Яқин кунлар ичида нафақа пуллари, газета-журналларни ҳам маҳаллага шу ердан тарқатиш мўлжалланяпти. Замира СОЛИЕВА.

Пойтахтимиз истиқболи

МИЛЛИЙ БОҒДАГИ «ЛАБИ ҲОВУЗ»



Шу кеңа-кундузда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида олиб бориладиган йирик бунёдкорлик ишлари барча-нинг диққат-эътиборида турибди. Яқинда Президентимиз Ислам Каримов пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида бўлиб у ерда амалга ошириладиган қурилиш ишлари билан яқиндан танишганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисминини қайта қуриш ва обод қилиш

тўғрисида»ги қароридан сўнг Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой-Чигатой, Бобоқонов кўчаларида қурилиш ишлари бошланди, ҳозиргача бу ерда кең ҳажмдаги ишлар бажариб қўйилди.

Президентимиз Эски шаҳарликлар ҳузуринда бўлганда улар билан чин дилдан суҳбатлашди, аҳолининг фикр-мулоҳазалари билан танишди. Шунингдек янги бунёд этилган замонвий уйлارнинг бирини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоий номидаги

Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида қад қўтарайтган ишоотлар қўлини билан ҳам танишди.

Миллий боғимизда қуриладиган ана шу ишоотлардан энг асосийси боғнинг ён томонида бунёд этилаётган ҳовуз қурилишидир. Вақти келиб ишоот фойдаланишга топширилса у афрў-муҳити гўзаллаштириш юбoрини шубҳасиз. Ушбу ҳовузини барпо этишда «Тошкентсувқурилиш» трестининг 7-механизациялашган кўма жамланмаси алоҳида ўрнат қўрсатиб ишламоқда. Лойиҳада кўра ҳовузининг узунлиги 170 метр, кеңлиги ун хил тоифада бўлиб, 84, 32, 60 метрни ташкил этади.

— Ҳовузининг бунёд этилиши арафасида жуда кўп тортишувлар бўлди, — дейди биз билан суҳбатда «Ўздавсувбойиша» институтининг ходими Темир Холдоров. — Чўнки хар бир қарор ер қатламнинг қаттиқ-юмшоқлиги аниқлангандан сўнг иш бошлаша рухсат этилди.

— Институт томонидан рухсат этилгандан сўнг, февраль ойидан ҳовузининг қовлаш ишларини бошлаб юбордик, — деб суҳбатни давом эттирди 7-механизациялашган кўма жамланманнинг участка бошлиғи Ҳасан Раҳматов. — Хар бир кун, хар бир соатимизни ол-

тинга тенг билиб, қўшимча иш соатлари ташкил этган ҳолда меҳнат қиляпмиз. Биздан ташқари бу ерда 2-механизациялашган кўма жамланма, «Тошсувсаклаш» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари меҳнат қилишяпти. Ҳовуз республикамиз мустиқлигининг турт йиллиғига фойдаланишга топширилди. Шунинг учун ҳам асосий кўч бизга қаратилган. Яқини ишлашимиз учун эса барча шароитлар етарли. Тушлик учун бепул иссиқ овқат ва чой тақдими этилган. Трестимизнинг бошқарув раиси Хайитбой Мадалиев бажариладиган ишлардан хабардор бўлиб турибди.

Ҳовузини қовлаш, ичини бeтoнлаш, ён афрўларини бўлбдoзeрлар ердамида суриш ишлари жадал бoрмoқдa. Биз ҳовуз ўртасида ўрнатиладиган кўприкни қуришга ҳoзирлик қураётган бунёдкорлар билан ҳам суҳбатда бўлдик. Улар Сирдарё вилoйятидан экан.

Долзарб ишлар бошланиб кетганлигидан биз ҳам беазада мамнун бўлдик, — дейди «Махсустиқлашсувқурилиш» трестининг 8-механизациялашган кўма жамланмаси иш юритувчиси Абдумўмин Эргашев. — Қураётган кўпригимизнинг узунлиги 12 метр, эни 6 метрни ташкил этади. Бу кўприк ёйсимон шаклида бўлиб, ҳовузининг у қирғоғидан қирғоғига ўтишга ҳамда Миллий боғ узра сайр этишга кең ишкон тўғилди. Ҳамкорликда қилинган бу ишларимиздан республикамиз аҳли, қолверса юртимизга ташриф буюраётган

меҳмонлар гоъта мамнун бўлишлари мўқаррар.

Хуллас, Тошкентнинг «Лабн ховузи» яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилади. Бунинг учун бунёдкорлар астойдил бел боғлашган.

Гульчeра МАЛИКОВА, СУРАТЛАРДА: бўлажақ Тошкент «Лабн ховузи»нинг қурилишидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси Ўзбекистон Республикасини Президентини Ислам Каримовнинг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини аъж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши масалаларига бағишлаб журналистлар, радио ва телевидение ходимлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Бахтиёр Ҳусанбоев Президент Фармонини, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиз, ҳукуматимиз иқтисодиётда барқарорликка эришишга иштиналган ҳолда ўзбек халқининг нодир тарих ва маданият

Ўзбекистон сайёҳлик ўлкаси айланади

БУЮК ИПАК ЙўЛИДАН

меросини қайта тугилиши ва бойишига, халқаро туризмнинг хар томонлама тараққиётига катта эътибор бeрaвтaнлигидан далoлат экaнлигини таъкидлади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида туризм бўйича идораларга кеңаш тўзилди ва унинг биринчи ташкилий мажлиси ўтказилди. Унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков бошчилиқ қилмоқда.

— Ўзбекистон, — деди Бахтиёр Ҳусанбоев, — маданият-тарихий ёдгорликларга бой, бизнинг улқамиздан Буюк ипак йўли ўтган. Ана шу босидан ҳам ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамиятини Самарқанд, Бухоро, Урганч, Хива, Тошкент, Фарғона водийси, Термиз жуда қизиқтирмоқда. Булар маданият бойликлримизнинг катта «олтин» захирадир. Лекин туризмни янада тараққий эттириш учун халқ кўпгина ишларни амалга ошириш керак, шу босидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўз кўч ва имкониятларини бирлаштирмоқлари керак. Яқини инфраструктура

ЯНА БИР ҚУЛАПЛИК

Миробод тумани аҳолисига транспорт хизмати қўрсатишда яна бир қулаплик яратилди. 5-автотасароғи қарашли 106-маршрут йўлга қўйилди. У аэропортдан Сариқул, Фитрат, Жарқурғон қаракли орқали Қадзиев майдонига бoрaди, сўнг Тўзиев қишлоғи яқинидаги «Галабандин» 40 йиллиги мавзесига ўтади. Ҳозирча аҳолига 7 та автобус хизмат қўрсатмоқда. Яқин кунлар ичида автобуслар сон янада ортади. Янги маршрутнинг очилиши транспорт хизмати қўрсатишни яқинлаштиради, билан бирга қўнчилиқнинг узоғини яқин қилди. Исмаилов РАҲМАТОВ.

Шахмат «ТОШКЕНТ ЁЗИ-95» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Георгий Аъзамов номидаги шахмат-шашлик турнирида «Тошкент ёзи-95» турнири давом этмоқда. Унда 75 нафар йиғит-қизлардан иборат пойтахт шахматчилари иштирок этиптилар. Турнир швейцарча ўслубда 9-босқили тартибда ўтказилляпти. Турнир жадаллидаги дастлабки ҳисобини шахматдаги 260-тур мактабидан қувчи, спорт усталлиғига номзод Александр Манов очди. 3-тур уйллардан сўнг эса Шамшид Шокиров, Аҳмад Бобоев ва Борис Лебедевлар гурӯҳи пешқадам

лик қилмоқда. Ҳозирча уларнинг ҳисобида бирорта ҳам магълубият йўқ. Турнирда шунингдек шахматчи ота-бoла Қаюмовлар ҳам ўзаро бағалашдилар. Халқаро тоифадаги спорт устаси Дмитрий Қаюмов ўғли — 257-тур мактабидан 2-синф ўқувчиси, 1-тоифали шахматчи Сергей Қаюмовнинг маҳоратини қўқори бoқoлади. Чўки Сергей отаси билан бўлган ўйнада толиб чиқди. Ҳозир сўнгги бoсқич уйллар давом этмоқда. Бeҳзoд ХАЛИЛОВ.

11-модда. «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади».

Давлат ҳокимиятининг тақсимланиши принципини мустақамлашган ушбу модда, меъёр Ўзбекистоннинг конституциявий тарихида биринчи марта пайдо бўлди. Ўзбекистон ССРнинг илгариги 1927, 1937 ва 1978 йиллардаги Конституцияларида бундай принцип мавжуд эмас эди. Чунки ушбу Конституциялар марксизм-ленинчил назарияга асосланиб, бу назария, «ҳокимиятнинг тақсимланиши» принципини рақд этар эди. Марксизм-ленинчил назарияга кўра, «ҳокимиятнинг тақсимланиши» давлатнинг синфий табиятини ҳисобга олмайдиган ва давлат ҳокимиятининг ягона

деб эмас, балки турли ҳокимият (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ваколатларини амалга оширувчи) функцияларининг йиғиндиси сифатида тушунилади. Бундай турли функцияларни амалга оширувчи ҳокимият органлари бир-биридан мустақил равишда ҳаракат қилишлари лозим. Лекин бу ушбу ҳокимият идоралари бир-бирига боғлиқ эмас, деган маънони билдирмайди. Аксинча, улар бир-бирини тўлдирди, назорат қилади ва тақозо этади.

Ҳокимиятнинг тақсимланиши принципи адолатли, демократик, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Бундай принцип урнатилган давлатда бирор органнинг ёки алоҳида давлат раҳбарининг кучли диктатураси урнатилганининг олдини олади. Шунингдек тегишли ҳокимият ваколатларини

Республикадаги ҳақат икки корхона зарур қурилиш ашёларидан бири бўлган оддий силлик, нақшдор ва безакдор қоғозлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Шулардан бири пойтахтимизнинг Яққасарой туманида фаолият кўрсатади.

Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ижара комбинатида кейинги йилларда бозор иқтисодиёти шароитига мослашиш, ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, қолаверса, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда самарадорлини ошириш борасида талайгина ишлар қилинган.

— Корхонамизнинг асосий учта цехи 5-турдаги ва қурилишдаги қоғозлар ишлаб чиқаришга иқтисослашган, — дейди комбинат директори Алишер Ҳайтанов. — Битта цехимизда халқ истеъмоли маҳсулотлари тайёрланади. Яъни сопол, чойнак-пиёлалар, уларнинг тўплами, гулдонлар, турли қўринишдаги ёдгорлик буюмлари, Самарқанд, Бухоронинг тарихий жоме ва мадрасалари, гўмбаз ва минораларнинг митти шакллари (совға учун) ишлаб чиқарилади. Қоғозлар ҳам хилма-хил: уй учини сирлайдиган (ошхона, ҳаммом ва ҳоказо), ташқарисини ҳамда полини безайдиган турларга бўлинган. Технолограммиз томонидан яратилган қоғозларимизга кўпроқ қурилиш ташкилотларидан, хусусий

корхона ҳамда қурилиш ашёлари билан савдо қилувчи дўконлардан талаб ва буюртмалар тушиб туради.

— Алишер Анварович, шу қоғозларнинг узлуқсиз ишлаб чиқаришда хом ашё танқислиги сезилмайдими?

— Оддий қоғоз яратиш учун унинг лойи, яъни ишқори учун 5 хил кимёвий ашё, бўёғи учун эса

биркоргина муваффақият қозониши шубҳасиз. Негаки, ҳақон бозори талаблари даражасида ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни савдога чиқариш ҳар бир ишбошининг маъсулиятли вазифасига айланган. Ҳозир харидорларимизнинг ҳам дунёқарашлари, фикрлаш доиралари аввалгидан жуда кўп марта ўзгарган, ўсган. Шундай экан, ўзимизга ёқмаган

ниҳатини ўзи беради. Албатта ишнинг боришига қараб, бошқа цехларга ҳам чет эл технологиялари урнатилади.

— Бугунги кунда ишчи кучи ҳамма корхоналарда ҳам етишмайди. Бу ерда шундай муаммолар борми?

— Бизда бундай муаммолар деярли йўқ. Негаки, комбинатда ишлайётган ишчиларнинг маош-

да мукофот, меҳнат таътилида иш стажига қараб ёрдам пуллари ажратилади. Ун учинчи, ун туртинчи маошлар ҳам ўз вақтида берилади.

— Алишер Анварович, келгусида яна қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган?

— Қурилиш материаллари ҳажмини қўпайтиришга алоҳида эътибор бераёلمиз. Корхонамиздаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда шу яқин орада турли бўёқлар ишлаб чиқармоқчимиз. Бу маҳсулотлар чикинди ва яроқсиз, қолдиқ ашёларимиздан тайёрланади. Излаган имкон топар, деганларидек, бу барча саъй-ҳаракатларимиз, қўраётган чора ва тадбирларимиз халқимиз фаровонлигини таъминловчи пойдевор бўлиб қолади...

Ҳа, Тошкент қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ижара комбинатининг ранг-баранг қоғозларидан кўз қувнайди. Айниқса буюртмалар асосида яратилган катта-катта сувратлар ҳосил қилаётган қоғозлар жамламаси диққатингизни тортмай қўймайди. Корхонанинг ўз касби усталари Таскира Миролимова, Зоя Шокирова, Мария Гусева каби фидойилари бор экан, эришилган ютуқлар салмоқли бўлаверади.

Зоир ТУРСУНОВ.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амал қилмоқда

СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

лиги принципи ҳам зиддир. Шу тариқа марксизм-ленинизм «ҳокимиятнинг тақсимланиши» принципига бир томонлама ёндошади.

«Ҳокимиятнинг тақсимланиши» гоёси жуда қадимдан вужудга келиб, қадимги грек фаласуфи ва олими Аристотель томонидан ҳам илгари сурилган эди. Урта асрларда Марсими Падунский ва бошқалар ҳам бундай гоёни ёқлаб чиққан эдилар. XV асрнинг урталарига келиб, бу гоё мустақил таълимотга айланган.

Машҳур француз маърифатпарвари, ҳуқуқшунос, фаласуф ва ёзувчи Монтескье (1689-1755) унинг «Қонунлар руҳи» деган китобида ҳокимиятнинг тақсимланиши принципини илгари сурган. Монтескьенинг фикрича, сиёсий ҳиёнатларнинг бўлмаслигини таъминлайдиган нарса уч ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тула тақсимланиши ва бир-бирини текширишидир. Капиталистик тузум урнатилиши билан «ҳокимиятнинг тақсимланиши» принципи буржуа конституцияларнинг асосий принципларидан бири деб эълон қилинган ва биринчи марта буюк француз революциясининг конституцион актларида ўз ифодасини топган. Масалан, Франциядаги 1789 йилги «Инсон ва гражданин ҳуқуқлари декларацияси»нинг 16-моддасида инсон ҳуқуқларининг кафолатлари таъминланган ва ҳокимиятлар бўлиб қўйилган ҳокимиятларнинг Конституцияга эга бўла олмаслиги эълон қилинган. Худди шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг ҳозирда ҳам амалда бўлган 1787 йилда қабул қилинган Конституциясида «ҳокимиятнинг тақсимланиши» принципи мустақамланган.

Умуман «ҳокимиятнинг тақсимланиши» назариясига қара, давлат ҳокимияти ягона, яхлит, бир бутун

амалга оширадиган давлат органларининг компетенциялари, вазифалари аниқ бўлишини таъминлайди, бир идоранинг иккинчи идора ишларига аралашувига барҳам беради, бошқариш соҳасида чалкашликлар келиб чиқишига йўл қўймайди ва ҳоказо.

Ҳокимият органларининг ўзаро келишиб, бир-бирини назорат қилиб, йўғулашиб ишлашларига ҳам имконият яратади. Булар эса адолатли, демократик давлатга хос жиҳатлардандир.

Дарҳақиқат, ҳозирги замон ҳақон мамлакатларининг конституциявий тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи, уларда ушбу принцип расман урнатилган ёки урнатилмаганлигидан қатъи назар, барча чет эл конституциялари томонидан қабул қилинган. Чунки навқирон Ўзбекистон Республикасининг биринчи мустақил Конституциясида ҳам бу принцип расман II-моддада урнатиб қўйилган. Бунга қўра, Ўзбекистонда қонун чиқариш ҳокимияти Олий Мажлис, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди томонидан амалга оширилади, улар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг ягона суд тизимини ташкил этади.

Зеро, республикамиз Президенти Ислам Каримов «Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти — давлатнинг учта асосий таянчидир» деб бежиз таъкидламаган.

Конституциянинг «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деб номланган бўлимида ана шу ушбу ҳокимият идораларининг ташкил этилиши, вазифалари, ваколатлари урнатиб қўйилган. Шу билан бирга уларнинг ўзаро фаолияти ва ўзаро муносабатлари ҳақидаги қоидалар ҳам белгиланган.


Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат юридик институтини уқувчиси.

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КУПАЙМОҚДА

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш вақтидан унумли фойдаланиш мақсадида бошқа корхоналар қатори «Тошхимқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам кенг изланишлар олиб бормоқда. Корхона аъзолари асосий маҳсулотдан чиқатган чиқиларни исроф қилмай қўрмак ва бежирим халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олишди.

— Маҳсулот сифатли бўлса, у қарерда бўлмасин ўз харидорини топади, — дейди корхонанинг бош муҳандиси Станислав Асатурян. — Бундай дейишимга сабаб янги чиқарилган маҳсулотлар энг аввало фирма дуконимизда сотилади. Бир қисми эса ҳужалик моллари оибдорларга юборилади. Зеро, бу дуконимиздан шахримиз ахли, Тошкент вилояти ва бошқа вилоятлардан харидорлар келиб маҳсулот харид қилишмоқда. Айниқса янги маҳсулотларимиздан ступналарга, телефон қўйиш жиҳозларига, пластмассадан тайёрланган буюмларга эҳтиёж юқори бўлмоқда. Шунинг учун ҳам шу кўнчага ишлаб чиқарилган 80 турдан зиёд халқ истеъмоли буюмларининг турлари йил охирига қадар яна кўпаяди. Албатта бунда кўпроқ харид қилинаётган маҳсулотлар эътиборга олиниб, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми қўпайтирилади, сифати янада яхшиланади.

Гули АБДУЛЛАЕВА.



Буюк мутафаккир ва аллома Хожа Абдул-холик Ғиждувоний унинг оламшумул таълимотидаги бир йўналиши «Сафар дар Ватан» деб номланган. Бу пурмаъно ҳикмат жуда кўплаб тасавуфий-ва фалсафий тушунчаларни ўз ичига олади.

Яқинда шахримизнинг Акмал Икромов тўғрисида «Катта Қазни» маҳалласининг бир гуруҳ кексалари эса Ватан бўйлаб чин маънодаги сафар уюштирилди. Халқ ҳужалигининг турли соҳаларида узоқ йиллар меҳнат қилган, кўплаб фарзандларини воёга етказиб, эндиликда кексалик гаштини сураётган бу отахонлар кўпдан буюн дилларига тугиб юрган орзулари — етти иқлимга машҳур Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишдек бахтга му-

Сафарнинг иккинчи ва учинчи кўнлари Бухоро ҳамда Самарқанддаги тарихий жойларни томоша қилишиб, олам-олам таассуротлар олдилар. Саёҳатчиларнинг кўпчилиги ҳаёти меҳнатда ўтган, фақат Тошкентдан бошқа ерни кўрмаган кексалар эканлиги ҳисобга олинса, бу сафар таассуротларининг нақадар унутилмас бўлганлигининг ғувоҳи бўласиз.

— 43 йил давомида бир корхонада меҳнат қилганман, — дейди меҳнат факрийси Луфтулла ака Қудратов. — Очиги, шу пайтгача бу ёғи тирикчилик, бола-чақа ташвиши билан Тошкентдан нарига чиқа олмагандим. Худого шукр, Ҳазрат Баҳауддин Нақшбандни зиёрат қилишдек орзуимга эришдим. Бу ниманинг шарофати? Албатта, биринчи галда истиқлолимиз, яна эса маҳалларимиз ҳаётига катта эътибор берилаётганлигидандир. Маҳалламиз оқсоқоли Қобил ака Қодировдан миннатдоримиз, маҳалла юмушларидан ортиб, шундай ажойиб саёҳатни уюштиришга вақт, имконият ҳам топа олдилар.

«Катта Қазни»да истиқомат қилувчи факрий педагог Уткир ака Муталов эса ўз таассуротларини шундай изҳор қилди:

— 30 йиллик педагогик давримда уқувчилар билан кўп маротаба Бухоро ва Самарқандга келган эдим. Аммо бу сафар ҳаммасидан ҳам ўзгача таассурот қолдирди. Сабоби — бугунги кунда қадриятларимиз тикланиб, қадимий обидалар таъмирланаётганлиги ва муқаддас зиёратгоҳлар ободонлаштирилганлигини ўз кўзим билан қўриб, беҳад қувондим. Бундан ортиқ саодат борми дунёда!

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу саёҳатнинг тула-туқис уюштирилишида Акмал Икромов туғилган 2-автомобил (директори Убайдулло Маннопов) ва Тошкент заргарлик заводи (бош директори Мухсин Ашуров)нинг ҳиссалари катта бўлди. Қисқача айтганда, улар уртасида маҳалла — корхона ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган.

Қайтишда, Жиззахдаги Темур дарвозасига келгач, йўл четида олтиндек товланиб турган асал сотувчилар қаторини қўриб, ҳайдовчи Бахтиёрнинг автобусни чеккароқда тўхтади. Бу жойнинг асоси тоза, шифобахш эканлиги билан бирга билим тоза, шифобахшга қараганда анча арзон ҳамдир. Сафардан ширинлик билан қайтиш — яхши одат. Савдо қизиб кетди.

Бутун манзил давомида, йўлнинг икки четидан уфқларга тўташиб, чайқалиб турган галлазорларни қўриб, кексаларнинг тилидан тасбеҳу тақбир тушмади. Иншоолло, бу йил нон мул бўлади! Сирдарё яқинида эса ям-яшил экинзорлар уртасидаги қатор электр узатиш устуларининг деярли ҳар бирига бир-иккитадан лайлақлар ин қўрилганлиги, оппоқ қанотли бу гузал мавжудотлар бутун атрофга фойз қиритиб турганлигини қўриб, диллар янада қувнади.

— Одамлари бой ерга лайлақлар албатта қайтиб келишади, — дейди чоллардан бири...

Айтганингиз келсин, бобонон! Юртимизни лайлақлар тарқ этмасин!

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

СУРАТДА: Бухоро ва Самарқанд саёҳатчилар лавҳа.

Засим Соколов олган сурат.

Болани ёшлардан меҳнат қилишга ўргатиш ҳар бир ота-онанинг вазифаси. Аммо бу жараёни неча ёшдан ва қандай усулларда бошлаган маъқул?

Гулнора Умарова,
Чилонзор туманида истиқомат қилувчи.

Кичик ёшдаги болаларни меҳнатга ўргатиш дастлаб уйини бошқаришда амалга оширилса тўғри бўлади. Чунки «Уйин ва меҳнат эгизак», — деб бежиз айтилмаган. Болалар уйини кузатиб турилса, унда албатта меҳнат белгиларини қўриш мумкин. 3-4 ёшли болалар уйинчоқ машинасига кўм тулғазиб, худди ҳайдаб бораётгандек ҳаракат қиладилар. Машина моторига тақлид қилиб овоз чиқарадилар. Лекин у машинасига кўмини тўкиб-сочиб солади, керакли ерга элишни ҳаёлига ҳам келтирмай, дуч келган ерга тўкиб ке-

учун бола мактабга келгач унинг табияти, нарса ва ҳодисаларга муносабати турлича бўлади. Мактаб уқув дастури талабларига ҳамма ўқувчиларни риоя қилдириш анча қийинчилик тўғрисида.

Ўқилимимиз иссиқ, бевосита болалар сув билан боғлиқ бўлган уйинларни, ишларни амалга оширишлари яхши натижа беради. Болаларни қўмилтирганда оналар фақат тоза бўлишининг на кўзда тутмай, балки қўмилтиш жараёнида ҳам оддий уйин ва меҳнатга яқин ҳаракатлар, машқларни бажаришга аҳамият беришлари лозим. Масалан, бола

Муаллим мулоҳазалари

ЁШЛИКДАН БОШЛАГАН МАЪҚУЛ

тади. Шундай пайтларда катталар боланинг ишларини изга солишга, унга қўмақлашишга ҳаракат қилишлари мақсадга мувофиқ. Болага ишнинг осон томонини қўрсатиб, унинг қизиқариши ва фойдали бўлиши учун бирга иштирок этсалар яна яхши бўлади. Бола бу ёшда айниқса, серҳаракат бўлади. Бу мойиллик боланинг соғлом, тетик усаётганидан далолат бериб, катталар уни янада фаоллаштиришга аҳамият беришлари керак. Унинг хатти-ҳаракатларини фойдали уйинларга, уйин орқали дастлабки меҳнат малакаларини эгаллашга қаратишлари лозим.

4-5 ёшли болалар уйини йиғиштириш, чанглари артиш, оқват учун сабзавот маҳсулотларини ҳозирлаб, тозалаш каби юмушларни бажаришга иштирок этишлари керак. Кийим-кечакларини саранжом-сарийша сақлашни ҳам болалар шу ёшдан урганлишлари ва уларнинг ишларини доимо кузатиб маълум маслаҳатлар бериш зарур.

Дастлабки меҳнат малакалари катталарнинг ишларини кузатиб уларга тақлид қилиш орқали аста-секин ўзлаштириб боради. Болалар ижобий сифатларини ҳам, салбий ишларини ҳам катталар таъсиринда ўзлаштиридилар. Масалан, саранжом-сарийша хондонда тарбия толган бола ҳеч қачон тартибсиз бўлмаслиги кўп қўзғилган. Ойладаги юмушлар борабор тақсимланмайдиган, тозалик қондаларига риоя қилинмайдиган ота-оналарнинг фарзандларидан нафосатли бўлишни талаб этиш қийин. Шунинг

қайиқчасини сувда елдириш, қоптоқчасини сувда бир маромда ҳаракат қилтиришга ритмга риоя қилишни, қоптоқни неча марта ҳаракат қилдириганини санаши, ритмини тезлаштириш ёки секинлаштириш урганиши керак.

Болага меҳнат малакаларини осонгина сингавермаслигини доимо ҳисобга олиш зарур. Ҳеч қачон боланинг муваффақиятсизликлари таъна қилмаслик, уни бир неча марта бажаришга имконият яратиш ва ният ўзига ютуғи билан рағбатлантириш, тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, баҳорда қариб оқаётган сув ҳар қандай боланинг эътиборини ўзига тортади. Шундай пайтларда ота-оналар болаларнинг қизиқшини янада ошириб, «Кел, сувни мана бу томонга чиқариб», деб тақлиф қилиш мумкин. Дастлаб бола ишни қандай амалга оширишни тасаввур ҳам қилмайди. Ота-она кичкина чархпалак ясашни, унга кичкинагина идишлар урнатиб чархпалак айландиришда шу идишларга сув тўлиб, ариқ чеккасидаги майдончага қўйилишини тушунирса бола бу ишга жуда қизиқиб қолади ва чархпалак ясаш учун нарсалар ҳозирлашга киришиб кетади.

Маълумки, болалар 6 ёшда жуда қизиқувчан бўладилар. Улардаги бу ҳусусиятни турли йўналишда ота-оналар билан мактабнинг ҳамкорлиги мустақам бўлмоғи керак. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, оилада меҳнат малакаларини яхши ўзлаштирган болалар ҳатто ўзиган тўғмаларини қадаб олиш,

мактаб формаларига оқ ёқа тикиш, йиртик чокларини йўмалаш каби оддий ишларни ҳам бажара олмайдилар. Ҳатто ҳарбий хизматда ҳам баъзи йигитларнинг бу ишларда нуқсонликларини айтиб, болага ўз вақтида меҳнат тарбияси берилмагани оқибати эканлигига иқдор бўласан киши. Айрим оилаларда болага меҳнат малакаси вақтида сингдирилмаслиги тўғрисида бола лоқайд бўлиб ўсади. Ота-оналар бу нуқсонларни бартараф этиш урнига уни «Бунча дангасасан» деб қўйишади. Болага бўлган бу муносабат педагогика қондиларига тўғри келмайди.

Ноҳақ танбеҳ боланинг руҳига таъсир этади. Бундай пайтларда бола ўзига ишонмайди. Бирор иш қилишга журъат этолмайди. Аксинча, оддий меҳнат малакаларини болага ўз вақтида сингдириб берилган оилаларда воғга етган болаларнинг ақлий фаолияти ҳам, нарса ва воқеаларга муносабати ҳам бутунлай бошқача, бу болалар қўноқ, ҳозиржавобликлари билан бошқа болалардан ажралаб турдилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, болани меҳнатга ўргатамиз деб, унинг ёшга, жомонини қувватига мунособат ишларни буюрармиш ҳам яхши оқибатга олиб келмайди. Бола бундай пайтларда қийналиб қолади. Натижада иши муваффақиятсиз қечади, у изтироб чекади, «уф» тортади. Асаби таранглашади, меҳнатдан илоси қайтади. Болаларга меҳнат малакаларини сингдиришда осон ишлардан қийинларига ўтиш, оддийдан мураккабга борадиган вазифаларни бериш тўғри бўлади.

Меҳнат малакаси боланинг иродаси билан боғлиқлигини унутмаслик зарур. Аввало унда ирода сифатларини тарбиялаш, сўнг меҳнат турларининг жиҳаматлигини ташкил этиш фойдали бўлади. Айниқса, ўғил болаларни меҳнатга ўргатишда улардаги кунт, чидамни тарбиялаш зарур. Улар оиладаги барча дастёрчилик ишларига қизлар билан барабар фаол иштирок этишлари, вазифаларнинг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият қилишларини кузатиш ҳамда уларнинг меҳнатига одилона баҳо бериш лозим.

Меҳнат болаларда одоб-ахлоқ каби сифатларнинг юзага келишига, унинг одат тўсига айланишига ҳам асосий воситадир. Кичик ёшда ҳосил қилинган меҳнат малакаси боланинг кейинги фаолияти учун ният-ида зарурлигини ҳисобга олиб, фарзандларимизнинг меҳнатсезлар бўлишларига эришимиз керак.

Хурият ШУКУРОВА,
Қорғи-Низовий номи Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими.



«Узэлектрппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсозлик цехида ҳар бир иш аниқ ўлчам асосида бўлиши қатъий назоратга олинган. Чунки яратилаётган янги маҳсулот учун керак бўладиган хом ашё ҳам худди ана шу ўлчамлар асосида бўлади. Цехнинг чилангар асбобсозлари Олег Гурусов ва Вячеслав Белцов сингари моҳир ишчилари ҳар бир талабга аниқ жавоб билан, эътибор билан ишлашмоқда.

СУРАТДА: Вячеслав Белцов ва Олег Гурусовлар.

Қосим Улмасов олган суратлар.

